

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Наманган Муҳандислик- педагогика институти

Менежмент факультети

МЕНЕЖМЕНТ кафедраси

5340200 “Менежмент” таълим йўналишида
тахсил олаётган талабалар учун

“Иқтисодий география” фанидан

Курс ишини бажариш бўйича

Услубий кўрсатма

Наманган 2007 йил

Ушбу услубий кўрсатма «Менежмент» таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда талабалар томонидан II-семестрда “Иқтисодий география ” фанидан курс ишини бажариш бўйича кўрсатмалар берилган.

Услубий кўрсатмада талабаларда иқтисодий тафаккурни шаклланишида курс ишининг роли, курс ишини бажариш тартиби, курс иши мавзусини танлаш, мавзуни ёритиш жараёнида адабиётлар билан ишлаш, курс ишини таркиби, унинг хажми ва уни тартибга келтириш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, карталар ва картодиограммалар, картограмма ва диограммаларни бажариш бўйича кўрсатмалар берилган.

Услубий кўрсатма “Менежмент” кафедрасининг 2007 йил ____ апрелдаги умумий йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (Байённома № ____). Институт услубий кенгашининг 2007 йил __ апрелдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, чоп этишга тавсия қилинган (__мажлис байёни).

Тузувчилар:

и,ф,д. проф. О. Абдуллаев
асс. Д. Ёринова

Тақризчилар:

доц. Р. Исматов
доц. И. Сирожиддинов

ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНИШИДА КУРС ИШЛАРИНИНГ РОЛИ. «ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ» ФАНИ БЎЙИЧА КУРС ИШИНИ ЁЗИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСЛУБИ

Юқори малакали иқтисодчи бакалаврлар тайёрлашда, уларда иқтисодий тафаккурни, мустақил фикрлашни, ижодий ишлаш қобилиятини шаклланишида ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари, миллий хўжалик тармоқлари, иқтисодий районлар ва мамлакатлар иқтисодиёти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишда талабалар томонидан бажариладиган курс ишлари катта аҳамиятга эга.

Чунки, талабалар курс ишини бажариш жараёнида иқтисодий географиянинг қонун ва қонуниятлари, ўзгарувчан ва мослашувчан бозор хўжалиги, саноат, қурилиш, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг бутун бир мажмуаси билан танишадилар. Турли мамлакатлардаги табиий ижтимоий-иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш, илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш натижасида ишлаб чиқаришдаги тармоқ ва ҳудудий ўзгаришлар, атроф-муҳит муаммоси масалаларини ўрганадилар, бир-бири билан таққослайдилар ва хулоса чиқарадилар. Натижада, талабанинг маълум бир ишлаб чиқариш соҳасида, ёки мамлакатларда, иқтисодий районларда ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва жойлашишининг самарали ва оқилона йўналишлари тўғрисидаги мулоҳазалари кенгайди. Бу эса кейинчалик талабаларнинг битирув малака ишини бажариш жараёнида ҳамда амалий фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, курс ишини ёзиш жараёнида талабалар аввало “Иқтисодий география” фани бўйича мамлакатимизда ҳамда ривожланган давлатлар иқтисодчи-географлар томонидан яратилган назарий характерга эга бўлган жуда кўплаб асарлардан фойдаланадилар. Ана шу асарлар билан ҳам танишиб чиқиш, керак бўлган жойларда эса танқидий ёндашиш, ғарбда чиққан адабиётлар билан таққослаш сўнгра хулосалар чиқариш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу талаба учун иқтисодиёт билан боғлиқ билимлар мажмуасини пухта эгаллашнинг дастлабки шартидир.

Деярли барча бозор иқтисодиёти ҳукм сураётган мамлакатларда ҳам давлат иқтисодиётни бошқариш, уни тартибга солиш, минтақавий ижтимоий-иқтисодий ва тармоқлар сиёсатини амалга ошириш орқали бутун мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишини рағбатлантириб туради. Шу нуқтаи назардан талаба мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда давлат томонидан амалга оширилаётган миллий хўжалик мажмуасини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ҳам ўрганиши, аниқ масалалар орқали ёритиб бериши лозим.

Шуни унутмаслик керакки, талаба тегишли кафедрадан дастлабки иқтисодий статистик маълумотларни йиғиш, уларни тартибга солиш, хўжалик, иқтисодий район ёки маълум миллий хўжалик тармоқлари тўғрисидаги маълумотларни иқтисодий таҳлил қилиш, махсус адабиётлардан, архив, журнал ва газета материалларидан қандай фойдаланиш юзасидан аниқ маслаҳатлар олади.

Курс иши охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади. Адабиётлар алфавит кўрсаткичи бўйича қуйидаги тартибда: муаллиф фамилияси ва исми, китоб ёки мақола номи, журнал номи, чиққан йили ва сони, чиққан жойи ва йили курсатилади. Курс ишининг энг асосий талаби тўла мустақиллик бўлиб, талабанинг мулоҳазаси, қобилияти ижодий тафаккурини аниқлашдан иборат. Шунинг учун курс ишида туғридан-туғри ўқув қўлланмаларидан кўчириб қўйиш асло ярамайди. Бундай ҳолат учратилган тақдирда курс иши ҲИМОЯ учун қўйилмайди.

Курс ишида фойдаланилган маълумотлар ва адабиётлардан олинган хаволалар аниқ кўрсатилиши (Абдуллаев О. Жумҳуриятлараро агросаноатни ташкил этиш муаммолари. Тошкент. Меҳнат, 1991. 15-бет ёки Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий муаммолар. Ҳаёт ва иқтисод-журн. № 3. 1990 йил, 42-45 бетлар) лозим.

Курс ишига илова тарзида картографик (картадиаграмма, картограмма, диаграмма, картосхема), жадваллар (иқтисодий профиль-кесма), фото-суратлар илова қилинадигани, бу курс ишини мазмун жихатидан бойитибгина қолмасдан, балки студентларнинг мустақил ишга ёндашувини ва билимини мустаҳкамлаш намунаси бўлиб хизмат қилади.

Карталар, картодиаграмма, картограмма ва диаграммаларни бажаришга доир кўрсатмалар,

Курс ишининг мазмунини, кўргазмалилигини, ўқувчанлигини оширишда карталарнинг аҳамияти каттадир. Ишга илова қилинадиган карталарни яратилишига (тайёрланишига) қараб икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1) Турли атлас ва адабиётларда берилган тайёр карталардан нусха кўчириб ишга илова

килинган карталар; 2) Турли тизимли маълумотлар асосида талаба тамонидан тузилган кўлёзма карталари. Тайёр картографик материаллардан нусха кўчиришда нусха кўчиришнинг энг оддий усуллари, масалан, картографик материал масштаби ўзгартирилмаган ҳолда нусха кўчирганда нусха кўчириш столидан, масштаб катталаштирилиб ёки кичрайтирилиб кўчирилганда эса катаклар усулидан фойдаланган маъқул. Ўзининг қиймати жиҳатидан талаба томонидан тузилган кўлёзма карталар устун туради, чунки картани кўчиришда талаба оддий механик ишни бажарса, картани тузишда қарама-қарши ўлароқ ижодий ишни бажаради. "Иқтисодий география" фанидан бажариладиган кўлёзма карталар асосан картодиаграмма ва картограммалардан иборат бўлади. Картодиаграмма ва картограмма бажариш учун энг аввало, картографик асос тайёрлаб олиш зарур. Картографик асос картодиаграмма ёки картограммаси ишланаётган ҳудуднинг картографик тасвири бўлиб, унда фақат ҳудуднинг контуригина, яъни қирғоқ чизиқлари чизилади, энг йирик дарё ва кўллари, йирик шаҳарлари, сиёсий ва маъмурий-ҳудудий бўлиниш чегаралари тасвирланади ҳолос. Картографик асос сифатида шу ҳудуднинг контурли картасидан фойдаланса ҳам бўлади ёки ҳудудни тасвирлаган турли географик карталардан юқоридаги усуллар ёрдамида нусха кўчириб тайёрлаш ҳам мумкин. Картографик асос тайёр бўлган статистик материаллар таҳлил қилиниб диаграмма учун масштаб (шкала) танланади. Шкала узлуксиз ва поғонали бўлиши мумкин. Узлуксиз шкала воқеа ва ҳодисанинг миқдорини узлуксиз равишда кўрсатиб беради ва ўзининг аниқлиги билан устун туради. Поғонали шкалада миқдор кўрсаткичлари маълум, гуруҳларга бирлаштирилиб, умумлаштирилиб, поғонама-поғона берилади, яъни маълум поғонадаги миқдор кўрсаткичи бир хил катталиқдаги диаграмма билан кўрсатилади.

Картодиаграммалар ичида энг оддийси ва чизиш, ўқиш осон бўлгани устунсимон картодиаграмма бўлиб, картодиаграмма белгиси (устун) узунлиги маълум ҳудуддаги воқеа ва ҳодисанинг абсолют миқдорини билдиради. Устунсимон картодиаграммалардан ташқари доирасимон, квадрат, тўртбурчак шаклидаги картодиаграммалар мавжуд бўлиб, воқеа ва ҳодисаларнинг абсолют миқдорлари уларнинг юзаси билан, куб, шар каби картодиаграммаларда эса уларнинг ҳажми орқали ифодаланади.

Картодиаграммада маълум воқеа ва ҳодисанинг фақат абсолют миқдоригина кўрсатилмасдан уларнинг ички тузилиши яъни структураси (масалан, қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар, ҳайдаладиган ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, (боғлар) пичанзорлар, яйловлар, ўрмонларга бўлиб кўрсатилиши мумкин. Бундай картограммалар структурали картограммалар дейилади. Бундан ташқари картограммалар профили ҳам бўлиб, улар орқали бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта абсолют миқдорлар кўрсатилади, масалан, бирор воқеа ва ҳодиса миқдорини йиллар бўйича ўсиши ёки пасайишини кўрсатади. Бундан ташқари профили картодиаграммалар ёрдамида турли иқтисодий кўрсаткичлар оддий устунли диаграмма билан ҳам кўрсатилиши мумкин. Одатда картодиаграмма тасвирланган картанинг ўзида картограммалардан фойдаланиб баъзи воқеа ва ҳодисанинг нисбий миқдори кўрсатилади. Масалан, аҳолининг умумий сони картодиаграмма билан кўрсатилса, зичлиги картограмма билан, пахтанинг ялпи ҳосили картодиаграмма билан кўрсатилса, ҳосилдорлик картограмма билан кўрсатилади ва ҳоказо. Картограммада бериладиган миқдор кўрсаткичлар ранг ёки штрихлар билан кўрсатилади. Яъни сиёсий ёки маъмурий бирлик ҳудуди ўз миқдор кўрсаткичига қараб маълум рангга бўялади ёки маълум қалинликдаги чизиқлар билан штрихланади. Ранг оч ёки тўқ берилиб кўрсаткичларнинг нисбий миқдорлари тасвирланади. Ранг ёки штрих қуюқлашиб борса, интенсивлик ёки миқдор кўрсаткичи ошиб боради. Кўлёзма карталарни тузиш, жиҳозлаш ҳақида Т.Мирзалиев ва М.Асомовлар томонидан ёзилган (Т.Мирзалиев "Карталар ва улардан мактабда география дарсларида фойдаланиш", Тошкент, "Ўқитувчи", 1977, М.Асомов ва Т.Мирзалиев "Картография ва топография асослари". Тошкент.-Ўқитувчи", 1985) китобларда батафсил маълумот берилган.

Диаграммаларни тузиш ҳам худди картограммалар каби бажарилади, фарқи шуки диаграмма алоҳида қоғозларга ёки картанинг очик қолган чекка қисмларига чизилади.

Баъзан статистик тўпламларда кўрсаткичларнинг нисбий маълумотларини тайёр ҳолдаги жадвали берилади. Масалан: районлар бўйича аҳолининг зичлиги, экин майдонларининг структураси ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар. Агарда бундай маълумотлар йўқ бўлса, уларни абсолют маълумотларга мос ҳолда ҳисоблаб чиқариш керак, яъни ҳудуднинг катталиги ва аҳолининг умумий сони ҳақидаги маълумотлар асосида аҳолининг зичлигини, умумий экин майдони ва айрим экин турлари ҳақидаги маълумотлар бўйича экин майдонларининг таркибини ҳисоблаб чиқариш керак.

Курс ишининг биринчи варианты кафедрага топширилади ва илмий раҳбар кўриб бергандан сўнг тузатишлар киритилади ҳамда 2 интервал (оралиқда) катталиги 210 x 300 мм бўлган оқ қоғозга қўлда

ёзилади ва чап томонда 30 мм, ўнг томонда 10 мм, юқорида 20мм, пастда 25 мм жой қолдирилади. Курс иши муқоваланади ва кафедрага ҳимоядан 20 кун олдин топширилади.

1. Курс ишини бажариш тартиби

«Иқтисодий география» фани бўйича бажариладиган курс иши ва уни ҳимоя қилиш ўқув жараёнининг зарур қисми ҳисобланади.

Курс ишининг мақсади – талаба томонидан назарий билимлар тўла ўзлаштирилгандан сўнг, унинг ушбу фан бўйича мустақил ишлаш қобилияти, илмий изланиш ишларига йўналтириш, табиат ва жамият ўртасидаги алоқадорлик масалалари бўйича ташаббусини ривожлантиришдир.

Курс ишининг вазифаси – «Иқтисодий география» фанидан талабадаги билимни янада чуқурлаштириш, иқтисодий географиянинг қонун ва қонуниятлари, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш, қурилиш, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўзаро алоқадорлиги ва ривожланиш хусусиятларини ўрганишдан иборатдир.

2. Курс иши мавзусини танлаш

Талабалар курс ишини ёзишдан олдин курс ишлари мавзуларидан ўзлари ҳохлаган мавзунини танлашади ва уни кафедрада рўйхатдан ўтказишади. Кафедра розилиги билан танланган мавзу ўзгариши мумкин, хатто курс ишлари мавзуларида кўрсатилмаган бошқа бир мавзунини танлашлари, мавзунини бошқа бир кенгайтирилган ёки қисқартирилган тахрирда ўзгартиришлари мумкин.

Курс иши мавзуси кейинчалик ёзиладиган диплом иши мавзусига мослаб танланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Фойдаланиладиган адабиётлар устида ишлаш

Танланган мавзунини кенгрок ўрганиш ва билимни чуқурлаштириш учун зарурий адабиётлар, материаллар тўпланади. Адабиётлар 2 қисмдан; а) асосий ва б) қўшимча адабиётлардан иборат бўлади.

Курс ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ҳукумат қарорлари ва йўриқномаларидан фойдаланиш зарур. Қўшимча адабиётларни тўплаш вақтида бозор иқтисодиёти шароити билан боғлиқ ўзгаришлар, ривожланган давлатлар тажрибаларига асосланиб ёзилган дарслик, ўқув қўлланмалар, илмий адабиётлар, рисола ва мақолаларни ўз ичига олган манбаларни тўплаш мақсадга мувофиқдир.

Талаба ҳар бир тўплаган адабиётни ўз мавзусига тегишли қисмини қайта-қайта ўқиб уни ижобий ва салбий томонларини курс ишида акс эттириши лозим.

4. Курс ишининг таркиби

Курс иши мавзуси танлангандан сўнг талаба мустақил равишда уни режасини тузиши керак. Курс иши: кириш, асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олиши лозим.

Талабаларга курс иши режасини тузиш учун ёрдам сифатида ушбу услубий кўрсатмада бир неча курс иши мавзуларининг тахминий режалари берилган.

Курс ишининг кириш қисмида ушбу мавзунинг моҳияти, вазифалари, хусусиятлари ва шу кундаги долзарблилиги акс эттирилиши керак. Кириш қисмининг ҳажми курс иши ҳажмининг 10% ини ташкил этади.

Асосий қисмда танланган мавзунинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари, меҳнат ресурслари, ҳудуднинг ички ва ташқи имкониятлари, табиий ресурслар салоҳияти, экологик омиллар, табиат ва жамият ўртасидаги қонун ва қонуниятларга амал қилиш даражаси, ҳамда мавжуд муаммолар акс эттирилади. Асосий қисм одатда курс иши ҳажмининг тахминан 70-75% ини ташкил этади.

Курс ишининг хулоса қисмида амалга оширилган таҳлил натижасида аниқланган хулосалар, тақлифлар ва йўналишлар акс эттирилади. Хулоса қисми курс иши ҳажмининг тахминан 15-20%ини ташкил этади.

5. Курс ишининг ҳажми ва уни тартибга келтириш

Курс ишининг ҳажми 30-35 varaқли қўлёзма шаклида бўлиши керак.

Курс ишини тартибга келтиришда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур:

- юза (титул) қисми қора рангда чиройли қилиб ёзилиши керак;(1-илова)
- Курс иши аниқ ва билимли даражада орфографик ва стилистик хатоларсиз ёзилган бўлиб, чап ва ўнг томонларида тақризчи кўрсатадиган камчиликлар учун жой қолдирилиши зарур;
- Курс ишида қисқартирилган, ўқиш қийин бўлган сўзлар, кўрсаткичини аниқлаш мумкин бўлмаган сон ва даражалар бўлмаслиги керак;
- Курс ишида келтирилган «кўчирмалар»га вароқнинг тагида муаллиф, адабиётнинг номи ва вароғи кўрсатилиши лозим;
- Барча вароқ ва жадваллар рақамланган бўлиши керак;
- Жадвалнинг остида маълумотлар олинган манба кўрсатилган бўлиши зарур;
- Курс ишининг охирига фойдаланилган адабиётлар рўйхати ёзилиши ва қўшимча маълумотлар, ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Курс иши тартиби.

1. Юза қисми (титул).
2. Курс ишининг режаси.
3. Кириш.
4. Асосий қисм-ишнинг мазмуни.
5. Хулоса ва таклифлар.
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
7. Иловалар.

Талаба томонидан ёзилган курс иши талаб даражасида бўлмаса қайта ишлашга қайтарилади ва ҳимояга қўйилмайди.

Талаб даражасида ёзилган курс иши ҳимояга рухсат этилган ҳисобланади ва талабага тақризчининг кўрсатган камчиликлари билан танишиб чиқиши учун ҳимоядан камида 3 кун олдин қайтариб берилади.

Курс ишининг ҳимояси кафедра томонидан тузилган комиссия иштирокида амалга оширилади. Ҳимоя учун 10-12 минут вақт берилади. Курс ишлари кафедра йиғилиши ва факультет кенгаши қарори билан битирув малакавий иш сифатида давом эттирилиши ҳам мумкин.

КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ РЎЙХАТИ

1. “Иқтисодий география” фанининг назарий ва услубий масалалари.
2. Ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг тарихий- географик таҳлили.
3. Ҳозирги босқичда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг асосий қонуниятлари ва омиллари.
4. Илмий-техника тараққиёти (ИТТ) ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожланиши ҳамда жойлашиш хусусиятлари.
5. Табиий ресурслар ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг моддий асоси эканлиги.
6. Аҳоли асосий ишлаб чиқарувчи куч сифатида.
7. Ёқилғи - энергетика саноатининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
8. Металлургия саноатининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
9. Машинасозлик саноатининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
10. Химия саноатининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
11. Енгил саноат тармоқларини ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
12. Иқтисодий районлаштириш ва унинг моҳияти.
13. Халқаро меҳнат тақсимоли
14. Дунё океани ва унинг ресурсларидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш.
15. Атом саноатининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
16. Қимматбаҳо ва камёб металлларни қазиб олиш. Заргарлик саноати.
17. Озиқ-овқат саноатининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
18. Транспорт ишлаб чиқарувчи кучларни ривожланиши ва жойлаштиришнинг моддий асоси сифатида
19. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар агросаноат мажмуаси хусусиятлари (АҚШ мисолида)

20. Донли экинлар - кишлоқ хужалигининг муҳим соҳаси (буғдой, жавдар, шоли, маккажухори).
21. Техника экинлари ва уларнинг ривожланиши ҳамда жойлашиш хусусиятлари.
(пахта, тамаки, қанд лавлаги, шакар қамиш).
22. Мойли ўсимликлар ва уларнинг ривожланиши ҳамда жойлашиш хусусиятлари
(ер ёнғоқ, кунгабоқар зиғир, рапс, кунжут).
23. Чой, кофе ва какао етиштириш.
24. Цитрус экинлари ва узумчиликни ривожланиши ҳамда жойлашиш хусусиятлари.
25. Чорвачилик кишлоқ хужалигининг таркибий қисми.
26. Денгиз ва дарё балиқчилигининг ривожланиш хусусиятлари.
27. Халқаро каналларнинг табиий-географик ва иқтисодий-сиёсий таърифи.
28. Халқаро иқтисодий алоқалар ва уларнинг шакллари.
29. Японияда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
30. Ҳиндистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
31. ГФРда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
32. Туркияда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
33. Болтиқ бўйи давлатларида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
(Латвия, Литва ва Эстония).
34. Марказий (Россия) иқтисодий районида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
35. Шарқий иқтисодий зонада ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари
(ғарбий сибирь, шарқий сибирь ва узоқ шарқ иқтисодий районлари).
36. Қозоғистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
37. Украинада ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
38. Белоруссияда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
39. Кавказorti мамлакатларида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари (Озарбайжон, Грузия, Арманистон).
40. Тожикистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
41. Туркменистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
42. Қирғизистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
43. Ўзбекистон мустақил республикасининг ташкил топиш хусусиятлари.
44. Ўзбекистон табиий шароити-ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш омили сифатида.
45. Ўзбекистон минерал хом-ашё ресурслари - ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш омили сифатида.
46. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш хусусиятлари.
47. Ўзбекистон шаҳарлари ва ишлаб чиқарувчи кучлар.
48. Ўзбекистон хужалигининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари
49. Ўзбекистон саноатининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
50. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика саноати мажмуаси.
51. Ўзбекистон металлургия саноати ва унинг ривожланиш хусусиятлари.
52. Ўзбекистон машинасозлик ва металсозлик мажмуасини ҳудудий ташкил этиш.
52. Ўзбекистон химия саноати мажмуасини ҳудудий ташкил этиш.
54. Ўзбекистон қурилиш саноати мажмуаси.
55. Ўзбекистонда енгил саноатнинг ривожланиш хусусиятлари
56. Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг ривожланиш хусусиятлари.
57. Ўзбекистон маҳаллий саноати ва унинг ривожланиш хусусиятлари.
58. Ўзбекистон агросаноат мажмуаси.
59. Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиш хусусиятлари.
60. Ўзбекистонда тамаки, қаноп, зиғир ва кунжут етиштириш хусусиятлари.
61. Ўзбекистон дон хужалиги.
62. Ўзбекистонда боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полиз ва картошқачиликнинг ривожланиши
63. Ўзбекистонда чорвачиликнинг тармоқ таркиби ва ҳудудий ташкил этиш.
64. Ўзбекистон кишлоқ хужалиги районлаштириш хусусиятлари.
65. Ўзбекистон транспорти.
66. Ўзбекистонда аҳолига хизмат курсатиш соҳаларининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этиш.

67. Ўзбекистондаги рекреацион ва больнеологик (инсон саломатлигини тиклаш) ресурсларнинг курорт хужалиги, сайр-саёхатни ривожланишидаги роли.
68. Ўзбекистоннинг ҳалқаро иқтисодий алоқалари.
69. Ўзбекистон республикасини иқтисодий раёнлаштириш масалалари.
70. Тошкент иқтисодий районида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жайлашиш хусусиятлари. (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти)
71. Фарғона водийси - иқтисодий географик тавсифи. (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари)
72. Мирзачул иқтисодий районида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари. (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари)
73. Самарқанд иқтисодий районида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари. (Самарқанд вилояти)
74. Бухоро-қизилқум иқтисодий районида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари. (Самарқанд вилояти)
75. Қашқадарё иқтисодий районида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари. (Қашқадарё вилояти)
76. Сурхондарё иқтисодий районида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари. (Сурхондарё вилояти)
77. Қуйи амударё иқтисодий районида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари. (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси)
78. Андижон вилоятида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
79. Наманган вилоятида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.
80. Фарғона вилоятида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари.

КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ ВА ТАХМИНИЙ РЕЖАЛАРИ

1-мавзу. «ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ» ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Режа:

Кириш.

- I. "Иқтисодий география" фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
- II. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва унинг моҳияти
- III. Ижтимоий меҳнат тақсимоти-ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий ташкил қилишнинг асоси сифатида.
- IV. Иқтисодий районлар ва уларнинг шаклланиши.
- V. 90-йиллардан сўнг ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги муҳим ўзгаришлар ва уларнинг моҳияти.

Хулоса

Амалий топшириқлар.

Марказий Осиё республикаларида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш картосхемасини тузинг.

2-мавзу. ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Режа:

Кириш.

- I. Иқтисодий қонунлар ва қонуниятлар ҳақида тушунча.
- II. Меҳнатнинг ҳудудий тақсимоти - ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш асоси сифатида.
- III. Ишлаб чиқарувчи кучларни икки ижтимоий-иқтисодий тизимга бўлинган шароитда жойлаштириш хусусиятлари ва фарқлари.
- IV. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг табиий-экологик омиллари.
- V. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари.

Хулоса.

Амалий топшириқлар.

Икки ижтимоий-иқтисодий тизимга бўлинган даврдаги ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш қонунларини жадвалда ифодаланг ва таққосланг.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг табиий-экологик ва ижтимоий-иқтисодий омилларини тавсифини ифодаловчи жадвал тузинг.

3 - мавзу. ТАБИЙ РЕСУРСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ МОДДИЙ АСОСИ ЭКАНЛИГИ

Р е ж а:

Кириш

- I. Жамият тараққиётида табиий омилларнинг роли.
- II. Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш ва ҳўжалик нуқтаи-назаридан синфлаштириш.
- III. Минерал хомашё ресурслари ва улардан фойдаланиш муаммолари.
- IV. Ер -сув ресурслари ва улардан фойдаланиш муаммолари.
- V. Дам олиш ва сайр-саёҳат ресурслари. Туризм индустрияси ва туризм ривожланган районлар. Амалий топшириқлар.

Минерал хомашё ресурслари картосхемасини ишланг. Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш картосхемасини ишланг Туризм ривожланган районлар картосхемасини ишланг.

4-Мавзу. АҲОЛИ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧ СИФАТИДА

Р е ж а:

Кириш.

- I. Аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришнинг марказий бўғини
- II. Аҳолининг миллий таркиби.
- III. Аҳолининг кўпайиши, демографик сиёсат ва унинг моҳияти.
- IV. Аҳоли жойлашиши. Миграция.
- V. Меҳнат ресурслари ҳақида тушунча. Меҳнат ресурсларининг ҳудудий тақсимланиши ва регионал муаммолари.
- VI. Урбанизация. Урбанизация-ижтимоий меҳнат тақсимои шакли сифатида.

Хулоса.

Амалий топшириқлар

Аҳоли зичлиги картосхемасини тузинг. Ички ва континентлараро миграциянинг асосий йўналишлари картосхемасини тузинг.

5-Мавзу. МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖОЙЛАШИШ ХУСУСИЯЛАРИ

Р е ж а:

Кириш.

- I. Машинасозлик саноатининг жойлашиш хусусиятлари.
- II. Машинасозлик саноатининг тармоқ таркиби ва асосий районлари.
- III. ИТТ ва машинасозлик саноати.
- IV. Машинасозлик саноати маҳсулотларининг халқаро савдоси.

Хулоса.

Амалий топшириқлар.

Машинасозлик саноати картосхемасини тузинг. Машинасозлик саноати ривожланган асосий районлар ва марказларни шартли белгида кўрсатинг.

1930, 1960, 1970, 1980, 1990, 2000 ва 2005 йилларда автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича жадвал тузинг. (10 та энг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатларни танлаб олинг).

6-Мавзу. ДУНЁ ОКЕАНИ ВА УНИНГ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА МУХОФАЗА ҚИЛИШ

Р е ж а:

Кириш.

- I. Дунё океанининг инсоният учун ҳозир ва келажакдаги аҳамияти.
- II. Дунё океани ресурсларининг иқтисодий баҳолаш.
- III. Дунё океани ресурсларидан бугунги кунда фойдаланиш даражаси (балиқ, денгиз ҳайвонлари, ўсимлик, минерал) хом-ашё ресурслари.

IV. Дунё океани ресурсларидан истиқболда фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш муаммолари.

Амалий топшириқлар.

Дунё океанидаги асосий балиқ овладиган районлар картосхемасини тузинг. Алоҳида шартли белгида кит овладиган районларни кўрсатинг.

7 - Мавзу. ҚИММАТБАҲО ВА КАМЁБ МЕТАЛЛАРНИ ҚАЗИБ ОЛИШ. ЗАРГАРЛИК САНОАТИ.

Р е ж а:

Кириш.

- I. Қимматбаҳо тошлар (олмос, рутин ва бошқ.) ва камёб металллар (олтин, платина, кумуш) халқаро савдо эквиваленти сифатида. Булардан саноатда фойдаланиш.
- II. Қимматбаҳо тошлар ва камёб металлларни жойлашиши ва қазиб олиш.
- III. Қимматбаҳо тошлар ва камёб металлларни халқаро савдоси. Экспорт ва импорт мамлакатлари.
- IV. Заргарлик саноати

Амалий машғулотлар.

Қимматбаҳо тошлар ва камёб металлларни жойлашиш картосхемасини тузинг.

8 - Мавзу. ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖОЙЛАШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Р е ж а:

Кириш.

- I. Озиқ-овқат саноатининг жойлашиш хусусиятлари.
- II. Озиқ-овқат саноатининг тармоқ таркиби.
- III. Озиқ-овқат саноатининг хом-ашё базаси ва истеъмол районлари.
- IV. Балиқ саноати.
- V. Озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг халқаро савдоси.

Хулоса.

Амалий топшириқлар.

Озиқ-овқат саноати картосхемасини ишланг.

Озиқ-овқат саноати маҳсулотларини экспорт ва импорт қилувчи мамлакатлар картосхемасини тузинг.

Озиқ-овқат маҳсулотларини турлари бўйича йўналишини кўрсаткичларда (стрелка) ифодаланг.

9 - Мавзу. ТРАНСПОРТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ МОДДИЙ АСОСИ СИФАТИДА

Р е ж а:

Кириш.

- I. Ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва жойлашишида транспортнинг роли.
- II. Транспорт турлари
 - а) Қуруқлик транспорти.
 - б) Сув транспорти.
 - в) Ҳаво транспорти.
- III. Регионал транспорт тизими хусусиятлари.
- IV. Транспорт ва атроф-муҳит муаммоси.

Хулоса.

Амалий топшириқлар

Қуруқлик транспорти, сув транспорти, ҳаво транспорти картосхемасини тузинг.

10 - Мавзу. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ (АҚШ МИСОЛИДА)

Р е ж а:

Кириш.

- I. Табиий шароитни қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва жойлашишига таъсири.
- II. АҚШ иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни.
- III. Қишлоқ хўжалигининг интенсивлаш хусусиятлари.
- IV. Агросаноат интеграцияси ва унинг моҳияти.
- V. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари ва уларнинг жойлашиши. Аграр муносабатлар.
- VI. АҚШ қишлоқ хўжалиги районлари.

VII. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорти ва импорти.
Хулоса.

Амалий топшириқлар.

АҚШ қишлоқ хўжалик районлари картосхемасини тузинг. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича (1950, 1960, 1970, 1980, 1990, 2000 ва 2005 йиллар) жадвал тузинг.

11 - Мавзу. ДОНЛИ ЭКИНЛАР - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МУХИМ СОҲАСИ (буғдой, жавдар, шоли, маккажўхори)

Режа:

Кириш.

- I. Дунё хўжалигидаги донли экинларнинг аҳамияти.
- II. Донли экинларнинг жойлашишининг табиий шароитга боғлиқлиги.
- III. Буғдой, жавдар, шоли, маккажўхори етиштириш.
- IV. Донли экинларнинг халқаро савдоси.

Амалий топшириқлар.

Донли экинлар картосхемасини тузинг. Дунё бўйича буғдой, жавдар, шоли, маккажўхори етиштириш (1950, 1960, 1970, 1980, 1990, 2000 ва 2005 йиллар) диаграммасини ишланг. Донли экинларни экспорт қилувчи асосий мамлакатларни алоҳида кўрсатинг.

12 - Мавзу. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВА УЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ

Режа:

Кириш.

- I. Халқаро иқтисодий алоқалар тизимида иқтисодий ривожланган мамлакатлар, собиқ социалистик тизим мамлакатлари ва ривожланаётган мамлакатлар
- II. Иқтисодий муносабатларнинг асосий шакллари:

- а) капитал экспорти.
- б) ташқи савдо.
- в) илмий-техника хужжатларини айирбошлаш
- г) ишчи кучи миграцияси.
- д) ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш.
- ж) қўшма корхоналар.

- III. Иқтисодий интеграция ва унинг географик йўналишлари.

Хулоса.

Амалий топшириқлар. Дунё сиёсий картасини контур картага туширинг. Иқтисодий бирлашмаларга аъзо мамлакатларни алоҳида кўрсатинг.

Капитал экспорти йўналишини кўрсатинг. Ташқи савдо ҳажмини ифодаловчи жадвал тузинг.

13 - Мавзу. ЯПОНИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖОЙЛАШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

Кириш.

- I. Япония - йирик иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакат.
- II. Табиий ресурслар билан таъминланганлиги, табиий шароитни қишлоқ хўжалигига таъсири.
- III. Аҳоли, демографик ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари.
- IV. Хўжалик тараққиёти босқичлари.
- V. Саноати, унинг тармоқ таркиби ва ҳудудий жойлашиши.
- VI. Қишлоқ хўжалиги ва унинг ихтисослашув даражаси, қишлоқ хўжалик районлари.
- VII. Транспорти ва унинг иқтисодиётдаги ўрни.
- VIII. Ички тафовутлари, иқтисодий районлари.
- IX. Ташқи иқтисодий алоқалар.

Хулоса.

Амалий топшириқлар.

Япония иқтисодий картасини ишланг. Қора металлургия (чўян, пўлат ва прокат) ва транспорт машинасозлигини (кемалар, автомобиллар) ривожланишини ифодаловчи (1950, 1960, 1970, 1980, 1990, 2000 ва 2005 йиллар) диаграмма ишланг.

14 - Мавзу. МАРКАЗИЙ (РОССИЯ) ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖОЙЛАШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Р е ж а:

Кириш.

- I. Марказий район - рус давлатининг ядроси. Ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши ва жойлашишига таъсир этувчи омиллар
- II. Аҳолиси. Меҳнат ресурслари. Урбанизация. Шаҳарлари.
- III. Хўжалик ривожланишининг умумий таърифи.
- IV. Саноати, унинг тармоқ таркиби ва ривожланиши.
- V. Қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви.
- VI. Транспорт тизими. Москва-йирик транспорт тугуни.
- VII. Ички тафовутлари. Иқтисодий кичик районлар.
- VIII. Ташқи иқтисодий алоқалардаги иштироки.

Хулоса.

Амалий топшириқлар

Контур картага Марказий иқтисодий районнинг иқтисодий картасини туширинг, Марказий иқтисодий районни саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Россия иқтисодиётида тутган ўрнини ифодаловчи жадвал тузинг. Москва агломерацияси картосхемасини тузинг.

15-Мавзу. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Р е ж а:

Кириш.

- I. Эрамизнинг бошларидан то XIV асрга қадар Туркистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш тавсифи.
- II. XIV асрда Туркистонда Амур Темурнинг марказлашган давлатини юзага келиши.
- III. XIV-XIX асрларда Бухоро амирлиги. Хоразм ва Қўқон хонликлари.
- IV. XIX асрнинг 2-ярмида Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши ва мустамлака даври.
- V. Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ва Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши.
- VI. Мустақил Ўзбекистон давлатини (1991 йил 31 август) ташкил топиши ва ривожланиш хусусиятлари.

Хулоса.

Амалий топшириқлар.

XIV асрга қадар Туркистон ҳудудидаги давлатлар. Амур Темур марказлашган давлати; XIV-XIX асрларда Бухоро Амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликлари; Россия мустамлакаси даврида Туркистон. Туркистонда миллий чегараланиш ва "мустақил" давлатларнинг юзага келиши картосхемаларини ишланг.

16 - Мавзу. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАБИЙ ШАРОИТИ-ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖОЙЛАШИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Р е ж а:

Кириш.

- I. Ўзбекистоннинг ер усти тузилишининг (рельеф) хўжалик ривожланиши ва жойлашишига таъсири.
- II. Ўзбекистоннинг иқлим ва иқлим ресурсларининг қишлоқ хўжалик ихтисослашувига таъсири.
- III. Ўзбекистоннинг сув ресурслари. Орол ва Оролбўйи муаммолари.
- IV. Ўзбекистоннинг тупроқлари ва улардан фойдаланиш муаммолари.

Хулоса

Амалий топшириқлар.

Ўзбекистоннинг ер усти тузилиши (рельефи) иқлими ва тупроқлари картосхемасини ишланг. Ўзбекистон дарёлари ва уларнинг йиллик сув сарфи ифодаланган жадвал тузинг.

17- Мавзу. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

Кириш.

- I. Ўзбекистон аҳолиси сони, жойлашуви. Миграция муаммолари.
- II. Ўзбекистон аҳолисининг жинсий, ёш таркиби.
- III. Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби.
- IV. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш муаммолари.
- V. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси.
- VI. Урбанизация ва унинг ижобий ва салбий оқибатлари.
- VII. Ўзбекистон олимларининг аҳоли географияси назариясига қўшган хиссалари.

Хулоса.

Амалий топшириқлар.

Ўзбекистон аҳолисининг сони ва зичлиги, миллий таркиби, меҳнат ресурслари картосхемаларини ишланг, Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўсиши (1950, 1960, 1970, 1980, 1990, 2000 ва 2005 йиллар) жадвалини тузинг.

18-Мавзу. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖОЙЛАШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

Кириш.

- I. Табиий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойлашишига таъсири.
- II. Аҳолиси ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати. Шаҳарлари.
- III. Хўжалигининг умумий тахлили.
- IV. Саноати, унинг тармоқ таркиби ва ҳудудий жойлашиш хусусиятлари.
- V. Қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқ таркиби.
- VI. Транспорти ва унинг иқтисодиётдаги ўрни.
- VII. Ички ва ташқи иқтисодий алоқалардаги иштироки.
- VIII. Ишлаб чиқарувчи кучларни истиқболда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Хулоса

Амалий топшириқлар

- I. Наманган вилояти иқтисодий картосхемасини ишланг.
- II. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни 1940, 1950, 1960, 1970, 1980, 1990, 2000 ва 2005 йиллар бўйича устунли диаграммада ифодаланг.
- III. Наманган вилоятининг Ўзбекистон майдони, аҳолиси сони, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пахта майдонлари, ялпи ҳосил бўйича хиссасини (% ҳисобида) доиравий диаграммасини ишланг.

«Иқтисодий география ва экология» фанидан курс иши ёзиш жараёнида фойдаланиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар

Адабиётлар номи

1. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон» 1995.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон» 1997
3. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т., 1999
4. Каримов И. А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., «Ўзбекистон» 1999
5. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон» 1999
6. Абирқулов К.А. АҚШнинг табиий ресурс салоҳияти. Т., ТДИУ., 1998
7. Абдуллаев О. Региональные проблемы развития АПК. Т., 1998

8. Абдуллаев О. Жумхуриятлараро агросаноатни ташкил этиш муаммолари. Т., Мехнат 1991
9. Абдуллаев О. Иқтисодий география ва экология ўқув қўлланма. Наманган, «Наманган» 2002.
10. Абдуллаев О. Наманган вилояти. Наманган 1995
11. Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий иқтисодий ривожланиш жараёнлари Наманган 2000
12. Алиев М. Г. Ишонходжаева. Д.А Хачиев Г А. Эканомика и финансы регионов Мира в цифрах сравнения. Т., 1998
13. Акрамов З. М. Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т., Ўқитувчи 1994
14. Акрамов З. М, Тоиров А. Экономические реформы Республики Узбекистан. М., ТОО «Люкс-Орт» 1998.
15. Асанов Г., Набиханов И., Сафаров. З. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий географияси. Т., Ўқитувчи 1994
16. Атлас мира. М., 1990
17. Атлас Узбекистана 1-2 Том М., Т., 1982, 1985
18. Буванова.Т. М. Радионова. И. А. Экономическая география СНГ и стран Балтии. М., 1994.
19. Жахон иқтисодиёти. Т., ТДИУ. 1994.
20. Климанов В., Земли и страны . М., 1996
21. Липетс Ю. Г. Пуляркин, В.А Шлихтер.С.Б. География мирового хозяйства. М, ВЛАДОС. 1999
22. Мироненко Н.С. Введение в географию мирового хозяйства. М., 1995
23. Политическая карта Мира. М., 1996
24. Радионова И.А. Политическая карта Мира. М., 1996
25. Радионова И.А, Бунакова Т. М. Экономическая география. Учебно-справочное пособие. Московской Лицей
26. Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе. М., 1998
27. Солиев А. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари. Т., 1995
28. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. Т., УМЕ, 1998
29. Узбекистан 1991-1995 гг. Инф.сбор. Т.,1996
30. Хасбулатов.Р.И. Мировая экономика М., ИНСАН. 1994
31. Экономическая и социальная география. Под. ред. Хрушева. А.Т М., 1997
32. Экономическая карта Узбекистана. Т., 1995
33. Эшмухамедов А ва бошқ. Бозор муносабатларида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Т., Ўқитувчи 1996
34. Эшмухамедов А, Шибаршова Л.И. Миравая эканомика и МЭО (интеграция в мировую экономику). Т., ТГЭУ. 1998
35. Гуломов С. ва бошқ. Мустақил Ўзбекистон «Мехнат», 2001
36. Ўзбекистон маъмурий худудий бўлиниш картаси. Т., 1995
37. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Т., 1996
38. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги. Йиллик стат. тўп. «Мехнат», 2001
39. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Т., 1997
40. Ўзбекистон. Экологик карта. Т., 1995
41. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1-жилд. Т., Давлат илмий нашриёти 2000
42. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2-жилд. Т., Давлат илмий нашриёти 2001

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК –ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

Мавзу:_____

Бажарди : _____ гуруҳ талабаси

Қабул қилди : _____

Наманган 2007

